

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДУСМАТОВ ХИКМАТУЛЛО ХАЙТБОЕВИЧ

АСКИЯ МАТНИНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018 йил

УЎК: 81`38:398.9(575.1)(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

| | |
|---|----|
| Дусматов Хикматулло Хаитбоевич Аския матнининг лингвостилистикаси | 3 |
| Дусматов Хикматулло Хаитбаевич Лингвостилистика текстов аския | 23 |
| Dusmatov Khikmatullo Khaitboevich Lingua-stylistic text askiya | 43 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 47 |

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДУСМАТОВ ХИКМАТУЛЛО ХАЙТБОЕВИЧ

АСКИЯ МАТНИНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fil.169 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Фарғона давлат университети веб-сайти www.fdu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мамажонов Алижон
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Одилов Ёрқинжон Раҳмоналиевич
филология фанлари доктори

Раҳимов Усмонжон Эргашевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (+993873) 244-44-29; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Ҳакимов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор.

М.Т.Зокиров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.н., доцент.

Ш.М.Искандарова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида матнни антропоцентрик нуқтаи назардан талқин этиш, халқларнинг кулги қўзғатувчи воситалари, сўз ўйинлари, анекдот, каламбур каби оғзаки ижодини ўрганишга эътибор кучайди. Турли халқлар юморининг лингвостилистик хусусиятларини изоҳлаш, сўз ўйинлари матнининг семантик-стилистик имкониятларини аниқлаш, сўз усталари нутқининг ифода имкониятларини очиқ бериш соҳа ривожини таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу маънода, «2014 йили аскиянинг умумжаҳон маданий мероси сифатида Репрезентатив рўйхатга киритилиши»¹ мавзу аҳамиятидан далолат беради.

Дунё тилшунослигида тилнинг нутқ, жамият, маданият, миллий тафаккур, ҳатто сунъий интеллект билан узвий муносабатини ўрганаётган янги йўналишларнинг шаклланиши фан олдида муҳим вазифаларни қўймоқда. Тил ва нутқ ходисаларининг аниқ ва изчил фарқланиши асосида лисоний бадиий имкониятларнинг воқеланишини тадқиқ этувчи фан соҳаси сифатида назарий ва амалий лингвостилистикани ҳам фарқлаш эҳтиёжи кучаймоқда. Бу эса лингвостилистика қонуниятларини аниқлаш, муайян юмористик матнларнинг умумий лингвопоэтик имкониятларнинг ҳажвий матнда индивидуал воқеланиш ҳолатлари ва омилларини ижодкор – тил – бадиият муштарақлиги тамойили асосида тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ислохотлар қаторида замонлар синовидан ўтган маданий-адабий меросимизни халққа етказиш, кадриятларимиз ва анъаналаримизни қайта тиклаш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда. «Аммо ҳолисона тан олиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун кескин кураш бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур»². Шу боис, азалий кадриятлар ва анъаналаримизга суянган ҳолда, уларни асраб қолиш, миллийликнинг асоси бўлган тилни миллий заминда туриб таҳлил этиш ва ривожлантириш, ўзбек тилининг ўзига хослигини, унинг ифода имкониятлари кенглигини намоён қилувчи аския матнининг умумфилологик ва лингвокультурологик аҳамиятини белгилаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПК-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарори ҳамда 2017 йил

¹ <http://www.unesco.org>

² Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017, – Б.17.

22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси талабларига мос равишда фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аскияни ўрганишга қизиқиш 1960 йиллардан бошланди. Шунгача ўзбек сатираси муаммоларига бағишланган айрим мақолалар³ билан бирга, Шариф Ризонинг «Халқ санъаткорлари» номли мақоласи⁴ ҳамда А.Л.Троискаянинг «Ўзбекистон халқ театри» номли илмий ишида⁵ аския ҳақида махсус тўхталиб ўтилган эди.

Ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигида сатира ва юмор масалалари махсус ўрганилган бўлиб⁶, кейинги йилларда аскияга бағишланган айрим мақолалар ҳам нашр этилди⁷.

1962-1965 йилларда Фарғона водийси анъанавий театрини ўрганиш бўйича уюштирилган экспедицияларда кўпгина аския материаллари ёзиб олинди. Аскияни биринчи бўлиб, адабиётшунослик нуқтаи назардан ўрганган олим Расул Муҳаммадиевнинг сайъ-ҳаракати билан экспедициялар ташкил этилди, янги-янги пайровлар ёзиб олинди. Экспедиция натижалари Р.Муҳаммадиевнинг илмий ишида⁸ ҳамда «Аския» тўпламида⁹ умумлаштирилди.

Р.Муҳаммадиевнинг тадқиқотлари аскияни ўрганиш борасидаги дастлабки иш эканлиги билан илмий аҳамиятга моликдир. Олим аския ўзбек халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган кўриниши эканлиги, аскиянинг турлари, тарихий тараққиёти, аския жараёнларида ифодаланган ғоявий мазмунни ўзи тўплаган материаллар асосида таҳлил қилган. Муаллиф аския матнининг айрим тил

³ Қаралсин: 1) Абдулла Қаҳҳор. Кулгичилик баҳслари: ким нимадан завқ олади? / «Қизил Ўзбекистон». 1929 йил, 5 апрель; 2) Абдулла Қаҳҳор. Ҳозирги сатирамиз устида. / «Қизил Ўзбекистон». 1929 йил, 30 август.

⁴ Шариф Ризо. Халқ санъаткорлари. / «Гулистон» журнали. 1940. №4. – Б. 25-27.

⁵ Троиская А.Л. Народный театр в Узбекистане. – Москва, 1949.

⁶ Қаралсин: 1) Раззоқов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Фарғона материаллари асосида). – Тошкент: Фан, 1965. –141 б.; 2) Аҳмедова Ш. Саид Аҳмад ҳажвиётида бадиий маҳорат: Филол. фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 29 б.; 3) Абдурахмонов Ш. Ўзбек адабий нутқида кулги кўзгатувчи лисоний воситалар: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. –23 б.; 4) Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Фарғона, 2001. –24 б.

⁷ Қаралсин: 1) Мелибоев А. Жаҳон аҳлини ром этган аския. / Миллий тикланиш. 2014, 10 декабрь –Б. 5.; 2) Abdullayev R. Askija is a pearl of national heritage /Аския – халқ мероси дурдонаси/ Echo of history /Moziydan sado jurnali/. – Toshkent, 2015. №1.(65) –Б. 23-25.; 3) Khalmanova Z. Askija is an embodiment of language and thought/Аския – тил ва тафаккур тажассуми/Echo of history /Moziydan sado jurnali/. – Toshkent, 2015. №1.(65) – Б. 25-27.

⁸ Қаралсин: 1) Муҳаммадиев Р. Аския (Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг жанри) Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1961. –174 б.; 2) Муҳаммадиев Р. Аския. – Тошкент: Ўздабийнашр, 1962. –107 б.

⁹ Муҳаммадиев Р. (тўпловчи ва нашрга тайёрловчи) Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Аския. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1970. –140 б.

хусусиятларигагина эътибор қаратгани, аскиянинг тил хусусиятларини ўрганиш алоҳида вазифа эканлигини таъкидлаб ўтган.

Мустақиллик йилларида Ҳасанбой Султоновнинг «Аския» (1998 й.), Саид Анварнинг «Абдулла қизиқ нима дейди?» (2006 й.), Убайдулла Абдулла ва Искандар Раҳмоннинг «Кулганлар – дармонда, кулмаганлар – армонда» (2007 й.) сингари тўпламларининг нашр этилиши аския матнларини бойитишга хизмат қилди.

Бироқ Европа илмида етарлича ўрганилган сўз ўйинлари (*игра слов, каламбур*)¹⁰, анекдотлар¹¹ ўзбек тилшунослигида шу кунга қадар махсус ўрганилмаганлиги, аскиянинг лингвостилистик жиҳатларини ёритишга бағишланган ишлар мавжуд эмаслиги, аскиянинг турлари, уларнинг ифода имкониятлари, аскиячилар нутқида сўз ўйинларининг усул ва воситалари махсус текширилмаганлиги бу борада жиддий изланишлар олиб бориш лозимлигини талаб этади. Ушбу диссертация аския матнини махсус ўрганишга бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Стилистика муаммолари» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аскиячилар нутқининг ўзига хослиги, аския матнида сўз ўйинларининг ифода имкониятлари ҳамда уларнинг кўринишларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аския ва аскиячилар нутқида қўйилган лингвостилистик талабларни белгилаш, аскиячилар услубини ёритиш, услубни шакллантирувчи воситаларнинг нутқдаги ролини кўрсатиш;

ифода усули ва матн хусусиятига кўра аскиянинг шаклий-ифодавий турлари, мавзуй гуруҳлари, аскияга ўхшаш ва унинг махсус кўринишларини таснифлаш, аскиянинг анекдот, қизиқчилик билан ўхшаш, умумий ҳамда фарқли жиҳатларини аниқлаш;

сўз ўйинлари турларини аския матни, аскиячилар нутқи мисолида белгилаш, матнни шакллантирувчи фонетик, лексик, синтактик-стилистик усул ҳамда воситаларни аниқлаш;

¹⁰ Каралсин: 1) Коновалова О.Ю. Лингвостилистические особенности игра слов в современном английском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. Москва: Изд-во МГУ, 2001. –22 с.; 2) Болдарева Е.Ф. Языковая игра как форма выражения эмоций: Автореф. дисс. канд. филол. наук. –Волгоград: ВГПУ, 2002. – 18 с.; 3) Лохова С.К. Игра слов в политическом дискурсе. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2007.; 4) Баранов К.С. Языковая игра в немецко язычных рекламных текстах: Автореф. канд. филол. наук. –Москва, 2011. – 26 с.; 5) Вороничев О.Е. Каламбур как фономен русской экспрессивной речи: Автореф. док. филол. наук: 10.02.01. / Вороничев Олег Евгеньевич. –Москва: Московский педагогический государственный университет. 2014. –723 с.

¹¹ Каралсин: 1) Руднев В.П. Прагматика анекдота. – Даугава, 1990. – № 6.; 2) Чиркова О.А. Поэтика современного народного анекдота: Автореф. дисс... канд. филол. наук: 10.01.09 / Чиркова Ольга Александровна. – Москва: МГОПУ. 1997. – 24 с.; 3) Шмелева Е.Я., Шмелев А.Д. Русский анекдот: текст и речевой жанр. – Москва: Языки славянской культуры, 2002. 144 с.; 4) Воробьева М.Б. Анекдот как феномен повседневной культуры советского общества (на материале анекдотов 1960–1980 гг): Автореф. дисс. ...канд. культ. наук. –Екатеринбург, 2008.

кулги кўзғатувчи лисоний воситаларнинг шаклий-мазмуний тузилишини сўзлашув нутқи вазияти билан алоқадорликда таҳлил қилиш, лингвистик ҳодисаларнинг кулги кўзғатишдаги ролини тавсифлаш;

аскиянинг ўзига хос лингвистик баҳс (*беллашув, тортишув*) эканлиги, мазкур интеллектуал беллашувнинг лисоний-тадрижий ривож, шартлари, тартиби ва миллий ўзига хослигини илмий жиҳатдан асослаш;

аскиячининг мақсад ва нияти, субъектив муносабати ҳамда уларнинг сўз қўллаш ва сўз ўйинлари ҳосил қилишдаги маҳоратини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аския матни танланган.

Тадқиқотнинг предметини аския матнларини шакллантирувчи фонетик, лексик-грамматик, синтактик-стилистик воситалар ташкил этади.

Тақиқотнинг усуллари. Тадқиқотда компонент ва контекстуал таҳлил, семантик-стилистик ва когнитив таҳлил, этнолингвистик ҳамда лингвокультурологик таҳлил, таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

аскиячиларнинг сўздан моҳирона фойланиш, ижро ва услубий маҳорати очиб берилган;

аскиячилар нутқи ҳозиржавоблик ва сўз ўйини орқали намоён бўлиши асосланган;

пайровларда келишилган мавзу бўйича нутқий мусобақа қилиш, соҳага оид атамалар билан сўз ўйини комбинацияларини амалга оширишнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик-стилистик йўллари кўрсатиб берилган;

нутқ товушлари, сўзлар, оҳанг ва тўхтам каби воситаларнинг кулги кўзғатишдаги роли кўрсатиб берилган;

аскиячилар нутқида гап компонентларининг ноодатий синтагмаланиши изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидигилардан иборат:

аския матнининг тадқиқи юзасидан билдирилган хулосалар лексикология, семасиология, матн тилшунослиги, стилистика, нутқ маданияти, прагмалингвистика, шунингдек, санъатшунослик ва халқ оғзаки ижоди каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг такомиллашуви, шунингдек, ўқув луғатлари, масалан, окказионал сўзлар изоҳли луғати, омофон бирликлар луғати, пароним сўзлар луғатини яратишга хизмат қилиши асослаб берилган;

ёшларни миллий-маданий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни ҳозиржавоб, теран фикрловчи, сўз маъносига эътибор берувчи закий сифатида камол топтиришда аскиянинг ўрни ва аҳамияти кўрсатилган;

ўзбек аскиячилик ва қизиқчилик мактаблари вакилларининг сўздан моҳирона фойдаланиш, ижро ва услубий маҳоратини ошириш усул ва воситалари, аскиячилар нутқининг лингвистилистик хусусиятлари мисолида ўзбек тилининг таъсирчан ифода имкониятлари очиб берилган;

аския сўз санъатининг халқимиз урф-одат, анъана ва удумлари, тафаккури ва тил бойлиги билан алоқадор жиҳатлари ёритилган, аския турлари ҳамда унинг ўзига хос томонлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қиёслаш, тавсифлаш, компонент таҳлил каби усуллар билан асослангани, аския матнининг лингвистик хусусиятларини ёритишда ўзбек аскиячилик мактабининг машҳур дарғалари ижодига оид жамоатчилик иштироки ва назорати остида баён этилган, асрлар давомида такомиллашиб келган юздан ортиқ аския манбаларига таянилгани ҳамда таҳлилларда ўзбек тили ва ўзбекона нутқ табиатидан келиб чиқилгани сингари жиҳатлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ўзбек халқи ва бутун инсониятнинг номоддий маданий мероси ҳисобланган аския сўз санъатини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Тадқиқот халқимизнинг тарихи, маданияти, этнографияси, тафаккури ва тил бойлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ундан олинган натижалар ўзбек халқи аския санъати юзасидан умумфилологик хулосалар чиқариш имконини беради.

Диссертацияда келтирилган фикр ва мулоҳазалар ўзбек аскиячилик мактабини дунёга танитишда, аскиячилик ва қизиқчилик санъати билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда илмий-назарий ҳамда амалий манба бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларининг филология факультетларида матн лингвистикаси, услубшунослик, прагмалингвистика, нутқ маданияти ҳамда ўзбек халқ оғзаки ижоди фанларини ўқитишда, аскиячи ва қизиқчилар учун махсус илмий-амалий семинарлар ташкил этишда, дарслик ва қўлланмалар, жумладан, окказионал сўзлар изоҳли луғати, омофон бирликлар луғати, пароним сўзлар луғатини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек аскиячилари нутқини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аския матни лингвостилистикаси юзасидан асосланган назарий хулосалар, ҳозирги ўзбек тилидаги 30 дан ортиқ (*вавағ, устун, этаксиз, ёқмоқ, амири, иссиқ-совуқ, ошиқ-маъшуқ, гулу, гурскетди, босволди, умрбоқий, қуруқ, аския, сўзамол, бадихағўй, лақаб, мутойиба, пайров, рақиб, учирӣқ, шама, қочирим, ҳариф, сўз ўйини, закий, зако, ҳозиржавоб, лутф, сўзана, пона, қўноқ, ҳаққуш, улоқ, олмурут, каптар, қантак, муқим, низом* каби) лексемаларнинг маъноларини изоҳлаш, лексемаларнинг янги аниқланган маънолари изоҳини бериш ҳамда умумий маъноси билан контекстуал маънолари ўртасидаги асимметрик дуализм (номутаносиблик)ни асослашда ФА – Ф8-34-рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 23 ноябрдаги ФТК-0313/835-сон маълумотномаси). Натижада луғавий бирликларнинг маънолари бойиган, изоҳлари мукаммаллашган;

аскиячилар нутқининг ўзига хослиги, аския матнида сўз ўйинларининг ифода имкониятлари ҳамда уларнинг кўринишларига оид хулосалардан Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методика маркази сайтини номоддий маданий меросга оид материаллар билан бойитишда, Республикамизда мавжуд аскиячилик мактабларининг умумий мақсад ва

вазифаларини бажаришда фойдаланилган. (Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методика марказининг 2017 йил 6 февралдаги 01-06-33-сон маълумотномаси). Натижада аския номоддий маданий мерос сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилган ҳамда аскиячиларнинг маҳоратини ошириш, истеъдодли ёш сўз усталарини камол топтириш, ўзбек аскиячилик мактабининг назарий ва амалий жиҳатларини шакллантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 27 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 22 республика ҳамда 5 та халқаро конференцияда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган. Шунингдек, 2015, 2016 йили Марғилон ва Андижонда ўтказилган аския сайли ҳамда аскиячилар республика кўриктанловида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 43 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 13 таси республика ҳамда 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топиб, 135 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Аския лингвостилистик тадқиқот объекти сифатида»** деб номланган биринчи бобида сўз ўйинларининг ўрганилиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, ифода комплекси, сўз ўйинларининг турлари, усуллари таснифи, сўз ўйинига қўйиладиган талаблар ва уларнинг юзага келиш омиллари тадқиқ қилинган. Аскиянинг шаклий-ифодавий турлари, аскияга ўхшаш сўз ўйинлари, аскиянинг анекдот ва қизиқчилик билан муносабати ҳамда аскиянинг умумий хусусиятлари ёритилган. Сўз ўйинининг турли лингвистик ҳодисалар: *тагмаъно, пресуппозиция, амфиболия, аллофрония, ирония, аллюзия*га муносабати баён этилган. Тилнинг яширин котегориялари ҳамда ироник мазмун ифодаловчи ҳодисалар (қочирим, ҳазил, эрмак, масхара, мазах, лутф, пичинг, учирик, илмоқ, шама)га муносабат билдирилган.

Сўз ўйини прагматика ва стилистика соҳасига дахлдор масала бўлиб, Ғарб илмида унинг тадқиқига доир қатор ишлар амалга оширилган¹². Сўз ўйини контекстида ифоданинг умумяширин мазмуни кўринишлари билан вобаста ахборот ифодалангани. Ифоданинг умумяширин мазмуни кўридаги кўринишларга ёки услубий шаклларига эга: «*импликация, таъмаъно, аллюзия, пресуппозиция, номатний маъно («затекст»)*». Имплицитлик «*тилнинг яширин каттегориялари*» сифатида талқин қилиниб, бу сўз ва ибораларнинг аниқ (эксплицит) морфологик ифодаси бўлмаган, аммо фикрни тушуниш учун муҳим бўлган семантик ва синтактик белгилари сифатида изоҳланади.

Кенг қамровли сўз ўйини ҳодисаси ўзининг ифода этиш комплекси (*анекдотларда – комик таъсир этиш воситаси; шеърятда – эстетик таъсирга эришиш қуроли; бадий адабиётда – ёзувчи мақсадини ифодалаш воситаси; рекламаларда – диққатни тортиш, қизиқтириш воситаси; газеталарда – жамиятнинг умумий қарашларини ифода этиш воситаси; аскияларда – сўз усталари нутқининг зийнати – закийлик воситаси*)га эга.

Ўзбек тилининг ўзига хос полисемантик табиатини намоён этувчи сўз ўйини матн махсус ўрганилмаган. Ушбу матн кўриниши ўзининг махсус синтактик шакллар тизимида, матнни шакллантирувчи воситаларига эга бўлиши билан бирга, «*тилнинг ширасини қуюқлаштирувчи*», «*таъсир қувватини оширувчи*», «*эстетик вазифа ижроси имкониятларига замин бўлувчи*» ҳамда «*тил ривожини ҳаракатлантирувчи кучи*» (*аллофрония*)га эга, «*икки турли хил талқин ва шарҳга эга бўлган ҳолда ифоданинг ноаниқлиги*» (*амфиболия*) негизда яратилган «*икки маъноли ифода*» (Аристотель)ларга бой.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида сўз ўйини кенг маънода қўлланади. Улар кўшиқлар (ёр-ёр, лапар, ўлан, алла ва бошқалар), эртақлар, дostonлар, латифалар, халқ драмалари (тақлид-пантомима, гап-гаштак, меҳмонхона ўйинлари, кўғирчоқбозлик каби халқ қизиқчиликлари), аския-пайров, чандишларда ишлатилади.

Сўзловчи баъзан сўз ўйинидан махфий ахборот етказиш, сирли мақсадини амалга оширишда фойдаланиши мумкин: *Тазарру Онгимда қўзгалган ўйлардан, Йиғлайман инграниб нетайин, Роҳатни истадим майлардан, Топмадим илинжлар қайтмайин*¹³.

Шеърда фонографик восита: пастдан юқорига қараб, тўртликнинг ҳар бир сўзи бош ҳарфларини териб олиш билан «Қитмирни йўқот» деган яширин кўрсатма юзага чиқади.

Аскиячилар нутқида асимметрик дуализм ҳодисаси билан боғлиқ равишда сўз ўйини юзага келади. Лингвопрагматик контекста сўз ўйини шаклий ва

¹² 1) Коновалова О.Ю. Лингвостилистические особенности игра слов в современном английском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. Москва: Изд-во МГУ, 2001. –22 с.; 2) Санников В.З. Русский язык в зеркале языковой игры. Москва: Языки славян, культуры, 2002. 547 с. 3) Болдарева Е.Ф. Языковая игра как форма выражения эмоций: Автореф. дисс. канд. филол. наук. –Волгоград: ВГПУ, 2002. – 18 с.; 4) Лохова С.К. Игра слов в политическом дискурсе. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2007.; 5) Баранов К.С. Языковая игра в немецко язычных рекламных текстах: Автореф. канд. филол. наук. –Москва, 2011. – 26 с.; 6) Вороничев О.Е. Каламбур как фономен русской экспрессивной речи: Автореф. док. филол. наук: 10.02.01. / Вороничев Олег Евгеньевич. –Москва: Московский педагогический государственный университет. 2014. –723 с.

¹³ Улуғбоев И. Қилни қирқ ёриб. Тошкент: Адолат, 2006. –61 б.

мазмуний ўзига хосликка эга бўлади. Унда мазмун қанчалик муҳим бўлса, шакл ҳам шунчалик фавкулудда аҳамиятлидир. Сўз ўйини контекстда шакл ва мазмун номувофиқлигини юзага келтиради. Аскиячиларнинг мазмунни шаклга солишдаги маҳорати, бундаги индивидуал хусусиятлар алоҳида қимматга эга. Бу тасодифий ҳодиса бўлмай, аниқ бир мақсадга ишора қилувчи вербал сигналлардир.

«Аския» арабча сўз бўлиб, Муҳаммадғиёсиддин ибн Жалолиддин тузган луғатда «азкиё» – «ازكيا» «закий» – «زك» нинг кўплиги *пок зехли, тиниқ зехнга эга* деган маъноларда таъриф берилади¹⁴. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да белгиланганидек, «зийрак, ақлли, зехли, қобилиятли» маъноларини ифодаловчи *закий* сўзининг кўплик шакли аския (азкиё)да сўз ўйинига, қочирикларга асосланган ҳолда икки ёки ундан ортиқ киши ёки тарафлар мусобақалашади. У, одатда, тўй-томоша, сайл, зиёфат каби йиғинларда ўтказилади¹⁵.

Аския ўзбек халқ оғзаки жанри сифатида асрлар давомида шаклланган, такомиллашиб борган, миллий сўз санъати даражасига кўтарилган ва халқаро миқёсда тан олинган. Аскиянинг дастлабки шакли уруғчилик даврида майдонга келган, деб фараз қилиш мумкин. Алоҳида жанр сифатида, асосан, XV асрдан шакллана бошлаган. «Аския» атамаси, тахминан, XVII асрдан бошлаб истеъмолга кирган. Ундан олдин «айтиш», «зарофат» атамалари қўлланган. Чунки мумтоз адабиётдаги топишмоқ, чистон, туюқ, муаммо жанрлари, тажнис, ийҳом, мувашшаҳ, таърих санъатларидаги топқирлик, тафаккур теранлиги каби фазилатларнинг аскияда ҳам намоён бўлиши «зарофат» атамасининг қўлланилишига сабаб бўлган.

Аския кўпталқинли сўз ўйинига бойлиги билан тилнинг «*ўз қондаларига эга бўлган ўйин*» (Л.Витгенштейн) каби хусусиятларини намоён этади.

Сўз санъаткорлари аскияда сўз ўйини воситасида беллашадилар. Беллашувчилар «рақиб» (ҳариф) сифатида саҳнага тайёрларликсиз чиқадилар ва ҳозиржавоблик билан саволларга муносиб жавоб берадилар. Пайров мавзуси диалог асосида ёритиб борилади. Сўз усталаридан лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиш имкониятларини намоён эта олиш, лисоний бирликлардан уддабуронлик билан турли комбинациялар ярата олиш, сўзларни нутқда турли маъноларда «ўйната» билиш, ҳозиржавоблик, экспромт, сўзамоллик, бадихагўйлик ва зукколик талаб этилади. Акс ҳолда, беллашувчи «рақиб»идан енгиледи. Хусусий муносабат, кўпинча, очик айтилмай, яширин тарзда, сўз ўйинига ўраган ҳолда, «коса тагида нимкоса» тарзида ифодаланади. Бу тингловчини топқир, зийрак қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Сўкиш, ҳақорат сўзларни ишлатиш, кўпол, дисфемистик баён маданий савиянинг пастлигидан далолат беради, фахш тушунчаларни кулги кўзғатувчи восита сифатида қўллаш нутқнинг қашшоқлигини намоён этади. Ўзбек халқ тилида маданий савиянинг анча эрта уйғонганлигини шундан

¹⁴ نديات الافات ناول كوشور ناشري، 1889، - ب. 24. Лақаҳнав. ЎзР. ФА Шарқшунослик институти, инв №5133

¹⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2006. I жилд. –680 б.

билиш мумкинки, эртақ, дoston, латифаларда порнографик тушунча ифодаловчи бирликлар қўлланмаган.

Аския элементларининг ўзбек тилида кўп қўлланилиши ўзбек тилининг полисемантик табиати билан изоҳланади. Полисемантик сўзлар, омофон, омограф, пароним, омоним бирликларнинг ўзбек тилида кўплиги сўз ўйинлари учун кенг имконият яратади. Серқирра инсон руҳий олами, тушунчаларини тил унсурлари билан меъерий ҳолатда (атрофроник) ифодалаш мушкул вазифа эканлиги сабабли нормал ҳолатдан чекинишга эҳтиёж сезилади. Асимметрик дуализм (мазмуннинг чексизлиги ва уни ифодаловчи лисоний воситаларнинг чекланганлиги ўртасидаги қарама-қаршилик), амфиболия (икки турли хил талқин ва шарҳга эга бўлган ҳолда ифоданинг ноаниқлиги), аллофрония (кўпталқинлилик каби маъновий силжишлар), контаминация (лингвистик жиҳатдан янги сўз, янги маъно ҳосил қилиш билан бевосита алоқадор сўз ўйини кўриниши), аллюзия (яширин семантик структураларда ҳазил, қочириқ, пичинг каби маънолар қўлланивчи, бирор-бир фактга ишора қилишга асосланган стилистик усул), ирония, лисоний аномалия, пресуппозиция, тағмаъно ҳодисалари сўз ўйини матнининг турлича талқин қилинишига замин яратади. Бундай чекинишларга нутқий камчилик ёки нуқсон сифатида эмас, балки нутқни безатадиган чекинишлар, поэтик ҳолатлар сифатида қараш лозим бўлади. Мазкур ҳодисаларнинг айримларини ўрганиш бўйича ўзбек тилшунослигида муайян ишлар амалга оширилган¹⁶.

Юмористик матн сифатида аскиянинг анекдотга қуйидаги ўхшаш жиҳатлари бор: *огзакилик, оммавийлик, театраллик, синтетизм, комизм*. Анекдот аскиядан қуйидаги хусусиятлари билан фаркланади: *умумий тарқалганлик, назоратсиз пайдо бўлиш ва тарқалиш, вариативлик, анонимлик*. Аскияга хос қуйидаги жиҳатлар анекдотда кўзга ташланмайди: *мусобақалилик, саҳнавийлик, махсус тур ва кўринишларга эгалик, гендер хусусиятга эгалик, сўз ўйини, кўпталқинли шарҳга эгалик, миллий-маданий ўзига хослик*.

Аския қизиқчиликдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

| № | Хусусиятлар | Аския | Қизиқчилик |
|----|---|-------|------------|
| 1. | Ҳозиржавоблик, экспромт | + | – |
| 2. | Олдиндан тайёргарлик | – | + |
| 3. | Монологик нутқ шаклига хосланганлик | – | + |
| 4. | «Рақиб»ларнинг мавжудлиги | + | +– |
| 5. | Нутқий баҳс, беллашув | + | +– |
| 6. | Диалогик, полилогик нутқ шаклига хосланганлик | + | +– |
| 7. | Сўз ўйинига асосланиши | + | +– |
| 8. | Ижрочининг қулгиси | + | – |
| 9. | Мурожаат бирликларининг кенг қўлланиши | + | – |

¹⁶Ҳақимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. –25 б.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Академнашр, 2008. –320 б.; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. –23 б.; Ибрагимова Э. Кўрсатилган автореферат. –20 б.; Нурмонов А., Раҳимов А. Лингво-синергетикага кириш. Тошкент: Академнашр, 2013. –112 б.; Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараккиётида зиддият. // Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Академнашр, 2014. – 283 б.

Диссертациянинг «**Пайровларнинг лингвостилистик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида атамалар (санъат, спорт, турли соҳага оид), шахс номлари, жой номлари, асар номлари, киши лақаби ҳамда битта сўз асосида шакллантириладиган пайровларнинг хусусиятлари ёритилган.

Пайров – аскиянинг мукаммаллашган ва мураккаб усулидир. Пайров – аскиянинг мавзуи, аскиянинг матни ва аскиянинг усули вазифаларини ҳам бажаради. Унинг матни келишилган мавзуни ҳар томонлама ёритиш асосида шакллантирилади. Пайровда сўз қўллаш билан боғлиқ ўзига хос талаблар бўлади: а) сўз ўйини ифодалаш; б) «рақиб»га муносабатни ҳажвий тарзда баён қилиш; в) ҳозиржавоблик, сўзамоллик, экспромт; г) танланган пайров мавзусини очиб бериш; д) бирдан ортиқ ахборот ифодалаш; е) пайров мавзусига доир атамаларни қўллаш. Масалан:

Ҳасанхон: Ошхонада ичкилик ичишни таъқиқлаганингиз яхши бўпти, бемаза нарсадан маст тавба қилгани дуруст-да!

Комилжон: Овқатларига энди маза кирипти, илгарилари шўр ва совуқ бўларди.

Ҳасанхон: Мудир ака дейман, ошпазларингизнинг ҳаммаси пазанда бўлса керак, уларнинг орасида чучварани хом санайдиганлари йўқдир-а?

Комилжон: Афтидан, ҳаммалари хўрандаларга манзур кўринадилар, агар биронтаси хамирнинг тошидан урса-чи ундан юз ўғир-а!

«Таомлар» пайрови. Аския. 69-бет.

Пайров таомлар ҳақида бўлаётганлиги учун сўз устаси томонидан таомлар номи (*мастава, шўрва, чучвара, ўгра*)ни ифодалаш бирламчи пайров талаби, синтактик алоқани бузмаган ҳолда сўз ўйини қилиш («*мастнинг тавба қилиши*», «*рақиб*» *овқатининг илгарилари шўр ва совуқ бўлиши*», *тил бирликларини кўчма маънода ибора сифатида қўллаш ҳамда «юз ўғирмоқ» каби маъноларни ифодалаш*) учун лисоний бирликлар ёрдамида турли семантик-синтактик-стилистик комбинациялар яратиш иккиламчи талаб ҳисобланади.

Пайров *атамалари билан сўз ўйини қилиш* энг сермахсул усул ҳисобланади. Атамалар нутқда сўз ўйини воситаси бўлиши учун бирдан ортиқ ахборот, турли мақсад ва ниятни ифодалаш, бир неча лингвистик ҳодисаларни ўзида мужассамлаштирган, кўпталқинли шарҳга эга бўлиши лозим. Пайровлар матнида сўз усталари қўллайдиган атама ва атамабозлик асосида тил бирликларининг қуйидаги турлари юзага чиқарилади: а) сўз; б) сўз бирикмаси; в) ибора; г) гап.

Аския жараёнида атоқли отларнинг турли кўринишларини матн таркибига сингдириш билан махсус пайровлар яратилган:

Ғанижон: Исҳоқжон ака, бир ҳазиллашдик-да. Ҳақиқатда закий одамсиз, битта сўзни беш-олти маънода ишлатасиз. Шунинг учун ҳам мен сизни Омоним деб юраман-да.

Исҳоқжон: Яшанг, Фахрли бўлиб Камолга етинг-а!

«Тил» пайрови. Аския. 66-бет.

Ушбу мисолда қуйидаги нутқий комбинациялар амалга оширилган:

1. Тилшуносликка оид атама – *омоним* воситасида пайров талаби (*мавзудан четга чиқмаслик*)га амал қилинган. 2. Омоним атамаси билан

тилшуносликдаги *шаклдошлик ҳодисаси*¹⁷га ишора қилинган. 3. «Рақиб»нинг характери очиб берилган. 4. -им морфемаси эгалик кўшимчаси вазифасида ишлатилган. 5. *Омоним* бирлиги тўлдирувчи (*Омоним деб*) ва ундалма (*Омоним, деб*) вазифаларида қўлланган.

Жой номларини англатувчи атамалар сўз ўйини воситаси сифатида матннинг таъсир эффеќтини оширади. Қуйидаги матнда тингловчи ва сўзловчи «Кўрот» ва «шўртепа» каби жой номларини ифодаловчи луѓавий бирликларнинг маъносини шу заҳоти закийлик билан *кўзи ожиз, кал* маъноларида тушуниб етмаса, аскиянинг бутун моҳияти ўз қадрини йўқотади. Натижада, Мамаюнус аканинг маҳоратини ҳам, Эрка қорининг топқирлигини ҳам холисона баҳолай олмайди:

Мамаюнус: Туринг, қори ака. *Кўр отга* келдингиз!

Эрка қори купе деразасидан ташқарига қараган бўлди-да, дарҳол юзини Мамаюнус ака томон буриб деди:

Эрка қори: Ҳовлиқмай қолинг, Мамаюнус! *Шўртепа-ку!*

Ўзбек халқ оғзаки ижоди. <http://e-adabiyot.uz>

Аския-пайровларда лақаб ишлатиш анъана ҳисобланади. Деярли, барча аскиябозлар ўз лақабига сазовор бўлган. Лақаблар баъзан кишининг жисмоний нуқсонини (*кал, кўр, чўлоқ, кар, чўтир, буқоқ*), баъзан характери, феъл-атвориға қараб турли предмет, ҳайвонлар, паррандалар (*от, туя, эшак, мол, лайлак, эчки, ит, мушук, товуқ*) номи билан аталади. Лақаб тушунчасининг лисоний-тадрижий ривожлантирилиши, услубий ўзига хосликлар билан ифодага стилистик сайқал берилиши натижасида «лақаб аскияси» деган тур шаклланиб, такомиллаша борган. Лақаб аскиячининг шахсига путур етказиш мақсадида ишлатилмайди, балки улардан аския мазмунини очиш, воқеа-ҳодисаларни тавсифлаш, шахслар тимсолини яратиш ҳамда сўз ўйинлари ёрдамида кулги чиқариш мақсадида фойдаланилади. Лақаб ишлатиш аския мавзусини тўлдиради, чуқурлаштиради.

Битта сўз асосида шакллантириладиган аскияларда ийҳом, тажнис, анноминация санъати етакчилик қилади. Ўзақдош сўзларни турли шаклларда қўллашдан сўз ўйини ҳосил бўлади.

«Аския матнида сўз ўйинлари ҳосил қилишнинг усул ҳамда воситалари» деб номланган диссертациянинг учунчи бобида фоностилистик усул ва воситалар (товуш алмаштириш, товуш орттириш, товуш тушириш, нутқ товушлари ўрнини алмаштириш, аралаш турдаги товуш ўзгартириш, урғу), лексик усул ва воситалар (антонимлар, барқарор бирикмалар, ўхшатиш ва метафора), морфологик усул ва воситалар (жуфт сўзлар, такрорий сўзшакллар), синтактик усул ва воситалар (синтактик омонимия, полифункционал ҳамда полисемантик гап бўлаклари, услубий такрор, синтагмалаш усули) аскиячилар нутқи мисолида тадқиқ этилган.

Аскиячилар ўзлари танлаган мавзуни кенгроқ ёритиш мақсадида баъзи бир сўзларни тегишли соҳа доирасидаги атамаларга мослаштириб талаффуз этадилар ва нутқ товушларини бир-бири ўрнида қўллайдилар:

¹⁷ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луѓати. – Тошкент, 2002. –168 б.

Товушни тушириш билан ҳам яширин мақсад ифода этиш мумкин:

Жўрахон ака: Шафтолилар ҳар хил бўларкан, Махсумнинг мақтовини келтиряпсиз. Боғ тўла мева. Ҳадеб шафтолидан гапиравермай, Махмуджонга имо қилиб: ол, хўр демайсизми?

«Бозбончилик» пайрови. Аския. 40-бет.

Сўз усталари *метатеза* усули билан атоқли отлар стурктурасида сўз ўйини қиладилар:

Расул домла: Найманчага сизлардақа шоирларни кўргани келганмиз. Олимжон ака шоирларнинг Анийсига ўхшайдими?

«Шоирлар» пайрови. Аския. 76-бет.

Мазкур пайров контекстида шоир Анисийнинг исми сўз ўйини талаби билан Анийси шаклида ўзгартирилган. Бу билан олмош туркумига хос «кўрсатиш», «кишилик», «таъкидлаш» пресуппозициялари ўзига хос услубда контекстуал ўйинни юзага чиқарган.

Пайровларда семантик усул билан ҳосил қилинадиган контекстуал антонимлар нутқ таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади:

Жўрахон: Сиз ҳам далага чиқиб, қозон бошидан келмабсиз. Ҳашарга эмас, ошарга келди дейишди.

«Теримчилар» пайрови. Аския. 19-бет.

Аскиячилар нутки, деярли ҳолларда, паронимларга асосланиши тилшунослар томонидан алоҳида эътироф этилади¹⁸. Паронимлар воситасида ранг-баранг имплицит маъно ифодаланади:

Иброҳимжон: Колхозда сабзавот ачиб ётибди! Шаҳарга жўнатгани бригадир раиснинг амирини кутиб ўтирипти.

Турсунбува: Айб раисдами, бригадирда? Айтинг-чи, қайси бирлари қовун туширишган?

«Қовун» пайрови. Аския. 34-бет.

Паремалар ҳазил-мутойиба, аския-пайровларда нутқнинг услубий таъсирчанлигини оширишда муҳим роль ўйнайди¹⁹:

Аскиячи: «Муштум» тоға, халқимизнинг оғзаки ижоди жуда бой ва сермазмун. Бугунги аскияни халқ ижоди бўйича «Мақоллар пайрови» да қилсак!

Муштум: Жуда соз! Аския – сўз санъати, сўзнинг кўрки – мақол-да, жиян.

Аскиячи: Мақол орқали айрим кишиларнинг башарасини ойна каби кўрсатиб берамиз. Шунинг учун кимнинг башараси қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкаламасин.

Муштум: Мақолларда кишиларнинг исмлари кўрсатилмаса ҳам, шахси умумлашган бўлади. Ҳар ким ўзи учун тегишли хулоса чиқариб олаверади: қизим сенга айтаман, келиним сен эшит!

«Мақоллар» пайрови. Аския. 63-64-бет.

Иборалар аскиячилар нутқида кўчма ва ўз маъносида эркин боғлама сифатида қоришиб кетиши (маъно синкретизми) мумкин:

¹⁸ Абдурахмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981. –59 б.

¹⁹ Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фан. док... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. –22-б.

Охунжон: Ҳали Эркинбой ана шунақа шоҳмилар, бўлмаса мен билан ўйнасинлар – *руҳларини ўзим қочираман!*

Эркинбой: Шахмат ўйнаган одам от ўйнашни ҳам билади-да! Охунжон отимни оламан деб, *руҳимни кўтариб юрибди.*

«Шахмат» пайрови. Аския. 73-бет.

Аскиячилар нутқида хусусий-муаллиф ўхшатишлари муаллифнинг ўз нигоҳи, кузатувчанлиги, бадиий тахайюли, аналогия қуввати асосида халқ тилидан фойдаланган ҳолда яратган ўхшатишлари сифатида намоён бўлади. Бундай ўхшатишларда оригиналлик, образлилик ва экспрессивлик ёрқин ифодаланган бўлади; субъектив баҳо ифодаланади:

Ака Бухор: Кўрпангга қараб оёқ узатсанг-чи, нодон, мунча *бой ўғлидай* кеккаясан.

Комил қори: Айбимни топиб гапирдинг *лак-лак*, раҳмат сенга...

«Олма-анор», «Парранда» пайровлари.

Аскиячилар индивидуал метафоралар яратишда от, сифат, феъл туркумига оид лексемалардан унумли фойдаланадилар. Метафора яратиш аскиячидан кенг дунёқараш, олам ва одам ҳақида чуқур фикр юрита олиш, руҳият ва табиатни яхши билишни талаб этади. Метафора «рақиб»нинг нафақат ташқи қиёфаси, балки унинг руҳий оламида кечаётган ҳолатларни тингловчи кутмаган фавқулодда бадиий ҳукм асосида тасвирлаш ёки ифодалашга йўл очади:

Мамарозиқ ака: Ғойиб ака, у куни Риштонга бориб, *қандай ўрик* еб келдингиз?

Ғойиб ака: Қандай ўрик ейман ахир, сиз боғнинг ўртасида туриб: *олма-олма* дейсиз-у!

Мамарозиқ ака: Сўраб енг-да, ёқмаса, *анжир* қилиб қўяман.

«Мева» пайрови. Аския. 37-бет.

Берилган жумладаги метафорик маънода қўлланган *анжир* лексемасининг семема структураси қуйидагича: а) истеъмол қилинадиган мева; б) япалоқ ҳолатда; в) сариқ рангли; г) мазали, ёқимли; д) физиологик ҳолат ва ҳ.к. Бунда *а* сема *анжир* лексемасининг генетик семаси ҳисобланади. Метафорик ҳосила маъно юзага чиқаришда *б, в, д* семалар асос бўлиб хизмат қилган ҳамда бадиий мазмун ифодаланишида поэтик актуаллашган. Аскиячи инсон феноменининг ташқи қиёфасини тасвирлашда ўзига хос йўл тутган: «рақиб»ига нисбатан субъектив муносабатини образли тасвирлашда *анжир* лексемасидан «*пачагингни чиқараман*», «*пачақ қилиб қўяман*» мазмунида фойдаланган. «Рақиб»нинг салбий кўринишга эга бўлиши ҳолатини мева номи («Мева» пайрови эканлиги учун) билан ифодалаш беихтиёр тингловчида Ғойиб аканинг қиёфасига нисбатан комик вазиятлар пайдо қилади, натижада беғараз кулишга мажбур бўлади.

Жуфт сўзлар воситасида сўз ўйинлари ҳосил қилиш натижасида жуфт сўзларнинг семантик-стилистик табиатида ўзгариш қилинади: иккинчи компоненти маъно англатмайдиган жуфт сўзлар ҳар иккала компоненти маъно англатувчи окказионал жуфт сўзга айлантиради:

Раҳматқул: *Эс-песи* борми бу одамнинг ўзи, айни тоққа чиқадиган вақтда даромадни кўпайтириш ўрнига, раис билан *олди-берди* қилишади-я!

Абдуллажон ака: Омон бўлгур, борди-келди қилишсам, мен қилишяпман!
Сизнинг қишлоқ-пишлогингиз кетяптими?

«Чорвачилик» пайрови. Аския. 28-бет.

Такрорий шакллар аскиячилар нутқида грамматик ва луғавий маъносидан ташқари стилистик маъно англатади:

Раҳматкул ака: Бунча икковларинг сен-менга бориб қолдиларинг, ўртага гули-гули тушдимми?

Махсум ака: Орамизга гули-гули тушмайди, биз аҳилмиз. Фақат Иброҳимжонга ҳайронман: туси товукқа ўхшайди деб.

«Кушлар» пайрови. Аския. 32-бет.

